



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 15 август, № 158 (5832)

Пайшанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 14 август куни Оқсаройда «Боинг — фуқаро самолётлари» компанияси президенти, «Боинг» корпорацияси вице-президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, «Боинг» компанияси замонавий йўловчи самолётлари етказиб бериш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори эканини таъкидлади. Бугунги кунда «Ўзбекистон

ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 15 самолётдан фойдаланмоқда. Авиаташуварнинг ярмидан кўпи, жумладан, АҚШ ва Япония каби узоқ мамлакатларга парвозлар ушбу замонавий ҳаво кемаларида амалга оширилмоқда. 2016 йилда яна икки-

та «Боинг 787-800 Дримлайнер» самолёти етказиб бериш режалаштирилган.

Миллий авиакомпаниямиз учун учувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ўқув-машғулот марказини машқ ускуналари билан жиҳозлаш, Тошкент

шаҳрида «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси негизда самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Рэймонд Коннер самимий қабул, очиқ фикр алмашув ҳамда «Боинг» компанияси

фаолиятига берилган юксак баҳо учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

(Ў.А).  
Сарвар ҲИМОНОВ  
олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ИШЧИ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро тажриба, талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолияти рейтинг баҳосини холисона аниқлаш принциплари, ёндашувлари ва мезонларини синов тарзида апробация қилиш мақсадида:

1. Бунинг учун иловага мувофиқ таркибда Ишчи комиссияси тузилсин.

2. Ишчи комиссияси (Б. Ю. Ходиев) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сонли қарори билан белгиланган олий таълим муассасалари тузилмаси рейтинг баҳолари тизими балларининг кўрсаткичлари ва даражасини, уларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мослиги, олий ўқув юртлари илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида вазифаларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

Бунда олий ўқув юртлари илмий-педагогик фаолиятининг куйидаги энг муҳим мезонларига алоҳида эътиборни қаратиб, юқори баллар белгилансин:

чет эллардаги олий ўқув юртлари билан қиёслашганда ўқитиш савияси ва сифати, профессор-ўқитувчи кадрларнинг малака даражаси, уларнинг ўқитишни халқаро талаблар даражасида таъминлайдиган замонавий педагогик технологияларни эгаллаганлиги, мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг чет эл олий ўқув юртларида маърузалар ўқишдаги иштироки; олий ўқув юртларини битириб чиққанларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашув даражаси ва олий ўқув юртларининг кадрлар тайёрланаётган корхоналар билан ишлашини ташкил этиш сифати;

олий ўқув юртларида ўтказилаётган илмий текшириш ишларининг самарадорлиги, энг аввало, экспериментал-лаборатория базасининг ҳолати, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш даражаси, корхоналар, илмий тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари базасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш.

3. Ишчи комиссияси (Б. Ю. Ходиев): Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2013 йилнинг 1 ноябрга қадар муддатда юқори босқич талабаларининг махсус соҳа фанлари бўйича билимлари даражасини ва олий ўқув юртида мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолаш учун дарсларни ўзлаштириш савиясини аниқлаш мақсадида танлаб олиб тест синовларидан ўтказсин;

эксперт гуруҳлари иштирокида 2013 йилнинг 1 декабрга қадар муддатда эксперимент тартиқасида 2-бандда баён этилган принцип ва мезонлар асосида олий таълим муассасаларининг рейтингини баҳоласин;

ўтказилган ишларнинг натижалари бўйича 2014 йилнинг 1 январига қадар муддатда олий ўқув юртлари рейтингини баҳолаш тизими ва методикасини, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар билан бирга якуний ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. И. Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ж. Ф. Исмоилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 14 август

### АНЖУМАН

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб «UZ» миллий домени интернет фестивали бошланди.

## Миллий домен

интернет фестивали бошланди

Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Uzinfocom» компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ташкил этилди. Фестиваль мувофиқлаштирувчиси «InfoCOM.UZ» журнали, расмий кўмакчи эса Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳисобланади.

«UZ» миллий домени интернет фестивали муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади. Бу борада, айниқса, юртимизда таълим тизими ҳам жадал ривожланаётгани алоҳида эътиборга молик. Мисол учун, 1995 йилда асос солинган «UZ» ҳудудидаги фаол доменлар сони жорий йилнинг 12 август ҳолатига кўра, 16 733 тани ташкил этади. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан таққослаганда, бу 1733 тага кўпдир.

Қайд этилганидек,

(Давоми 2-бетда).

## Кучли ижтимоий ҳимоя

давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир

Кучли ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бунинг ушбу йўналишда қўллаб қўйиладиган асосий қўлғи киритилаётганлиги ҳам таъкидланади. Аввало, соҳанинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилганини айтиш зарур.

### ЖАРАЁН

Зеро, ўтган даврда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, Президентимизнинг 1991 йил 21 майдаги «Ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. 1991

йил ноябрь ойида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ҳамда у 2008 йилда янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, ана шу қонунчилик асосида республикамизда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари — болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлашнинг мукамал тизими шакллантирилди. Шунга мос ҳолда аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги технологияларини яратиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-

ни янада ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар эшигини очиб бериш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўтказилган «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусидаги анжуманда шулар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, тадбирда реабилитация техник воситаларини ижарага берувчи прокат пункти, ижтимоий такси, мобил ижтимоий гуруҳ ҳамда ижтимоий томорқа сингари янгиликларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ижтимоий хизмат тизими самарадорлиги янада ошганлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти такомиллаштирилмоқда

Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчаларга биноан, қонунларни ишлаб чиқиш, такомиллаштиришда сиёсий партиялар ва депутатлар гуруҳи роли оширилиб, талаб қўйиладиган ҳақда бу борадаги механизмлар маромига етказилди.

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Пировардида қонун ижодкорлиги фаолиятида фикрлар хилма-хиллиги, плюрализм руҳи кучайди.

Яқинда қуйи палатада Демократик институт-

лар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғриси-

да»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан фракциялараро дебат ўтказилгани ана шу муҳит ўзининг ёрқин ифодасини топаётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

БИР  
РАҚАМ  
ШАРҲИ

2013 йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда sanoat маҳсулотлари таннархини ўртача

10,4

фоизга  
камайтиришга  
эришилди.

Йирик sanoat корхоналарида энергия ва ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жараёнлар, хом ашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил қилиш, йўқотишлар ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф этиш ҳисобига мазкур ижобий натижа қўлга киритилди.

# хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ Қорақўл туманидаги "Ғолибмебель" фирмаси жамоаси чикитта ташланганидан кичик ҳажмли тахтачалардан асалари оилалари учун рамкалар тайёрлашни йўлга қўйди.

## Маҳсулотлар тури кўпайди

Натижада корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури олтига етди. Бозордаги талабни мунтазам қўзғатаётган Шокир Мирзаев раҳбарлигидаги хунармандлар бундан икки йил аввал 200 миллион сўмлик банк кредити эвазига хориждан замонавий дастгоҳлар сотиб олишганди. Бу эса қўл меҳнатини энгилаштириш, маҳсулот сифатини ошириш имконини берди. Айни пайтда корхонада стол-стуллар, меҳмонхоналар ва офислар учун мебеллар тайёрланмоқда. Истикболда бутловчи қисмларни ҳам шу ерда тайёрлашни ният қилган корхона жамоаси жорий йилнинг дастлабки ярмида бюртмачиларга 120 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди. "Ғолибмебель" каби корхоналар саяҳатчи билан эса туманда ўтган олти ойда 23,6 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Сурхондарё вилоятида 2013 — 2015 йилларда рақобатбардosh ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янги корхоналарни барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида умумий қиймати 45316,7 минг долларлик 6 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

## Бинокорлар бюртмаси асосида

Жумладан, дастур доирасида Бойсун шахрининг Оби маҳалласида тадбиркор Жамшид Уринов томонидан "Бойсун устозода" ташкилотлар орасида ижтимоий шериклик муносабатлари тобора ривожланмоқда. Бу эса аҳолини манзил-ижтимоий ҳимоя қилиш орқали уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш имконини берапти. Зеро, юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Мирзаобод туманида экин майдонларини текислашда лазер ускунасида фойдаланиш йўлга қўйилди.

## Замонавий ускуна

Бунинг учун тракторларга махсус компьютер ва лазер нури узатадиган мослама ўрнатилди. Маълумки, лазер нури экин майдонининг текислаш ҳолати бўйича компьютерга тўлиқ маълумот узатади. Қурилма эса олинган маълумотга асосан, тракторнинг текислаш ускуналарига зарур кўрсатмалар беради. Натижада паст-баланд бўлиб қолган экин майдонларини яна нишаб ҳолатига келтириш аниқ ва сифатли бажарилади. Қолаверса, қафтдек текисланган ернинг мелиоратив ҳолати ҳам яхшиланади. Мазкур замонавий қишлоқ хўжалиги технологияси ёрдамида тумандаги 1100 гектар майдонни қайта текислаш мўлжалланмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Хоразм вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 148,9 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

## Тадбиркорлар учун кредитлар

Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 33,5 фоиз юқори кўрсаткичдир. Ҳазорасп туманилик тадбиркор Бибишора Отажонова ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланиб, "Sirius Selvano" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Бунда банк томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит қўл келди. Айни пайтда корхонада болалар ва катталар учун 20 турга яқин бежирим мавсумий либослар тайёрланмоқда. Хориждан келтирилган илгор дастгоҳларни бошқариш учун 25 нафарга яқин чеварлар ишга жалб этилган.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

кулятори хизматига бирламчи маълумотлар киритилгандан сўнг тўлалини лозим бўлган жами солиқ суммаси, солиқ тури бўйича берилган имтиёз суммаси ҳамда бюджетга тўлалини лозим бўлган солиқ суммаси компьютер экранига акс этади. Таъкидлаш жоизки, қўмита томонидан жорий қилинган бундай хизматлар аҳолининг молиявий харажатларини тежаш баробарида, уларнинг солиқ саводхонлигини ошириш ва солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Р. НАСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

бериши лозим. Шу асосда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада самарали таъминланади. — Ушбу қонун қабул қилиниши ва унинг ижро механизми янада таъминланадиганини, шакл-шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим омилига айланади, — дейди "Миллий тикла-

ниш" демократик партияси фракцияси аъзоси А. Раҳмонов. — Ўз навбатида, мазкур қонун лойиҳаси муҳокама ва муражаатлари мониторинг қилиб бориш жараёни Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий экспертиз билан ҳамроҳ олиб борилаётганини эътироф этиш жоиз. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси бўйича маромига етказиш чора-тадбирлари ҳақида кенг кўламли, жумладан, тегишли веб-сайтларда атраофлича ахборот бериб борсак, бу давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, зарур ҳуқуқий портфелни бойитиш нуктаи назаридан самарали бўлади, албатта.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси депутатлари эса ёзма ва

## Кучли ижтимоий ҳимоя

давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир

— Бугун республикамизда 3 миллион нафарга яқин пенсионер, 700 минг нафардан зиёд ногирон бўлиб, уларнинг барчаси ҳукуматимизнинг ижтимоий кўмаги ва гамхўрликларидан баҳраманд бўлмоқдалар, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқармаси бошлиғи Б. Шарофов. — Ҳозирги пайтда 33 та Саховат ҳамда Мурувват уйи, 11 ногиронлар учун тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация маркази, 8 та сиҳатгоҳ ҳамда ногиронлар учун их-

## Имтиёз ва имконият

хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда



Шошурот ШАРАПОВ ойнаб сурат.

Иқтисодий тармоқларига хориж инвестицияларини фаол жалб этиш мамлакатимизда исчи амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда юртимизда чет элли сармоядорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозоримизни турфа маҳсулотлар билан бойитиш баробарида, ишбилармонларимизнинг халқаро дои-

## Интерактив хизмат: Сифатли, тезкор ва қулай

лумотларни ўз хоҳишига қараб тўлдириб, қанча миқдорда даромад солиғи олинаётганини тўғрисидаги маълумотларни билиш, ҳисоблангандан сўнг компьютерда шакланган барча маълумотларни чоп этиш, ҳисобчилар томонидан йўл қўйлаётган камчиликларни вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш шулар сирасига кирди. Интерактив хизмат узлуксиз ва бепул амалга оширилади. Бунинг учун солиқ тўловчи қўмитанинг интернетдаги www.soliq.uz сайтига кириб, "Интерактив

## ИНТИЛИШ

ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 28,6 фоиз кўпдир. Икки йил бурун Жомбой туманида иш бошлаган "Dina Parfum" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ана шундай ҳамкорлик мевасидир. Эътиборлиси, 200 минг АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция эвазига рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа натижасида 20 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Дастлабки йили бу ерда 185 миллион сўмлик атир ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда 650 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш мўлжалланмоқда. — Мамлакатимизда парфюмерия саноати ҳам жадал ривожланиб, бозорда соғлом рақобат муҳити шакланмоқда, — дейди қўшма корхона директори Абдулла Очилов. — Шу боис целларимизни босқичма-босқич модернизация қилиб, маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилашга интиляямиз. Хусусан, шу кунларда замонавий технология линияни сотиб олишга қаратилган янги лойиҳа устида иш олиб борилаётир. Бу ниятимиз амалга ошса, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, ишчиларимиз сони ҳам янада кўпаяди. Айни пайтда корхонанинг салкам 200 турдаги хушбўй атирлари харидорларга манзур бўлмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса республикамизнинг барча ҳудудига жойлашган савдо дўконларида пешма-пеш етказиб берилаяпти.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

қонун лойиҳаси хусусида бир қатор фикрлар баён этилди. — Замонавий бизнес ривожини дафт нихоятда катта ўрин тутди, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ф. Комилов. — Яна шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳам,

Фермерлар кенгашилари ҳам партия электорати ҳисобланган тадбиркорлар ва фермерлар манфаатлари ҳимоясини таъминловчи органлар ҳисобланади. Юртимизда тадбиркорликни ҳимоя қилиш барча жабҳаларда кенг миқёсда олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳасида муражаатларни тааллуқлилиги бўйича тегишли органларга юборишни тартибга солинадиган алоҳида норма ўрин олиши лозим. Бундан ташқари, бугунги кунда телефон орқали муражаатларнинг асосий қисми бизнинг электоратимиздан келиб тушмоқда. Демак, ҳозирги ахборот асрида "ишонч телефонлари"нинг қулайлиги жуда самарали бўлиб, телефон орқали бўлган муражаатлар шахси зудлик билан текширилиши ҳамда муражаат сифатида қўрилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Халқ демократик

## Жисмоний ва юридик шахсларнинг муражаатлари институтини такомиллаштириш

қонун лойиҳаси хусусида бир қатор фикрлар баён этилди.

— Замонавий бизнес ривожини дафт нихоятда катта ўрин тутди, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ф. Комилов. — Яна шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳам,

Фермерлар кенгашилари ҳам партия электорати ҳисобланган тадбиркорлар ва фермерлар манфаатлари ҳимоясини таъминловчи органлар ҳисобланади. Юртимизда тадбиркорликни ҳимоя қилиш барча жабҳаларда кенг миқёсда олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳасида муражаатларни тааллуқлилиги бўйича тегишли органларга юборишни тартибга солинадиган алоҳида норма ўрин олиши лозим. Бундан ташқари, бугунги кунда телефон орқали муражаатларнинг асосий қисми бизнинг электоратимиздан келиб тушмоқда. Демак, ҳозирги ахборот асрида "ишонч телефонлари"нинг қулайлиги жуда самарали бўлиб, телефон орқали бўлган муражаатлар шахси зудлик билан текширилиши ҳамда муражаат сифатида қўрилиши мақсадга мувофиқ.

## Имтиёз ва имконият

хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда



Шошурот ШАРАПОВ ойнаб сурат.

Иқтисодий тармоқларига хориж инвестицияларини фаол жалб этиш мамлакатимизда исчи амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда юртимизда чет элли сармоядорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозоримизни турфа маҳсулотлар билан бойитиш баробарида, ишбилармонларимизнинг халқаро дои-

## Интерактив хизмат: Сифатли, тезкор ва қулай

лумотларни ўз хоҳишига қараб тўлдириб, қанча миқдорда даромад солиғи олинаётганини тўғрисидаги маълумотларни билиш, ҳисоблангандан сўнг компьютерда шакланган барча маълумотларни чоп этиш, ҳисобчилар томонидан йўл қўйлаётган камчиликларни вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш шулар сирасига кирди. Интерактив хизмат узлуксиз ва бепул амалга оширилади. Бунинг учун солиқ тўловчи қўмитанинг интернетдаги www.soliq.uz сайтига кириб, "Интерактив

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ийгилишда фуқароларнинг муражаати конституциявий демократик институт эканлиги, Конституцияимизнинг бир қатор моддаларида бу муҳим норма акс этганлигига тўхталиб ўтилди. Шунингдек, бу борада махсус қонунчилик ривожлантирилгани алоҳида таъкидланди.

## Жисмоний ва юридик шахсларнинг муражаатлари институтини такомиллаштириш

қонун лойиҳаси хусусида бир қатор фикрлар баён этилди.

— Замонавий бизнес ривожини дафт нихоятда катта ўрин тутди, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ф. Комилов. — Яна шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳам,

Фермерлар кенгашилари ҳам партия электорати ҳисобланган тадбиркорлар ва фермерлар манфаатлари ҳимоясини таъминловчи органлар ҳисобланади. Юртимизда тадбиркорликни ҳимоя қилиш барча жабҳаларда кенг миқёсда олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳасида муражаатларни тааллуқлилиги бўйича тегишли органларга юборишни тартибга солинадиган алоҳида норма ўрин олиши лозим. Бундан ташқари, бугунги кунда телефон орқали муражаатларнинг асосий қисми бизнинг электоратимиздан келиб тушмоқда. Демак, ҳозирги ахборот асрида "ишонч телефонлари"нинг қулайлиги жуда самарали бўлиб, телефон орқали бўлган муражаатлар шахси зудлик билан текширилиши ҳамда муражаат сифатида қўрилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Халқ демократик

## Кучли ижтимоий ҳимоя

давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир

— Бугун республикамизда 3 миллион нафарга яқин пенсионер, 700 минг нафардан зиёд ногирон бўлиб, уларнинг барчаси ҳукуматимизнинг ижтимоий кўмаги ва гамхўрликларидан баҳраманд бўлмоқдалар, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқармаси бошлиғи Б. Шарофов. — Ҳозирги пайтда 33 та Саховат ҳамда Мурувват уйи, 11 ногиронлар учун тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация маркази, 8 та сиҳатгоҳ ҳамда ногиронлар учун их-

## Имтиёз ва имконият

хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда



Шошурот ШАРАПОВ ойнаб сурат.

Иқтисодий тармоқларига хориж инвестицияларини фаол жалб этиш мамлакатимизда исчи амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда юртимизда чет элли сармоядорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозоримизни турфа маҳсулотлар билан бойитиш баробарида, ишбилармонларимизнинг халқаро дои-

## Интерактив хизмат: Сифатли, тезкор ва қулай

лумотларни ўз хоҳишига қараб тўлдириб, қанча миқдорда даромад солиғи олинаётганини тўғрисидаги маълумотларни билиш, ҳисоблангандан сўнг компьютерда шакланган барча маълумотларни чоп этиш, ҳисобчилар томонидан йўл қўйлаётган камчиликларни вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш шулар сирасига кирди. Интерактив хизмат узлуксиз ва бепул амалга оширилади. Бунинг учун солиқ тўловчи қўмитанинг интернетдаги www.soliq.uz сайтига кириб, "Интерактив

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН**

**24 соат ичида**

Лондондаги музлатилган йогуртлар сотиладиган "The Farmery" номли дўконда маҳсулотлар учун тўловни одамнинг фотосурати орқали амалга ошириш синаб кўрилмоқда.

**Фотосурат орқали тўлов**



Бу худди банкоматлар ёрдамида, бармоқ изи воситасида шахсий ҳисоб рақамидан фойдаланиш тизимига ўхшаб кетади. Янги технологияда хариддорнинг юз сурати олиниди ва банк базасига жўнатилади. Маълумотлар тўғрилиги тасдиқланган, савдо шохобчаси ҳисобига товарнинг қиймати тенг бўлган маблағ бир зумда ўтказилади. Экспертларнинг фикрича, мазкур усул тўловлар хавфсизлигини ишончли таъминлайди. Янгилик қанчалик оммалашади — вақт кўрсатади.

Ҳозир АКШ, Австралия ва Осиёнинг бир қатор давлатларида тўловни фотосурат ёрдамида қабул қиладиган минглаб дўконлар фаолият юритмоқда.

**Рақобат ва можаро**

"Apple" (АҚШ) ҳамда "Samsung" (Жанубий Корея) компаниялари ўртасидаги патент можароси давом этмоқда.



Ўрганган АҚШнинг халқаро савдо бўйича комиссияси даъвонинг икки қисмини қаноатлантирди ва Жанубий Корея компаниясининг айрим турдаги маҳсулотлари импортни тақиқлаш ҳақида ҳулосага келди.

Гап шундаки, смартфон ва планшетлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаб турган мазкур икки компания анчадан буён бир-бирини технологияларни ўйратганликда айблаб келишади. Бу гал "Apple" рақобатчиси олти патентни бўйича унинг ҳуқуқини бузганлиги юзасидан даъво билан чиқди. Ушбу масалани

"Евроныос" телеканалда айтилишича, бундан икки ой муқаддам худди шу комиссия "Samsung" мурожаатидан сўнг АҚШда "Apple"нинг эски моделдаги "iPhone" ва "iPad"лари савдосини тақиқлаганди. Бу ишлаб чиқарувчининг катта миқдорда маблағини бой беришига сабаб бўлди. Шу боис ўтган ҳафтада Оқ уй маъмурияти комиссия қарорини бекор қилганди.

**Жазирамадан жабрланишди**

Японияда ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд кўтарилиб кетиши аҳолини қийин аҳволга солиб қўйди.



Жумладан, жорий ҳафта бошида Коти префектурасининг Симанто шаҳрида рекорд кўрсаткичи — Цельсий шкаласи бўйича 41 даража иссиқ қайд этилган. Маълумки, ҳавода намлик миқдори юқори бўлган давлатлар учун бу ташвишли ҳолат ҳисобланади. Мингдан ортиқ одам шифохонага ётқизилган, олти киши ҳаётдан кўз юмган. Умуман, ёз фасли бошидан буён Кунчиқар юрда иссиқ таъсирдан 29 минг 729 киши жабрлангани, 90 нафарга яқин одам курбон бўлгани айтилмоқда. Ҳаётдан кўз юмганларнинг асосий қисми 65 ёшдан ошганлардир.

**Портдаги портлаш**

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги портда сақланган сувости кемасида портлаш юз берди, дейилади "Times of India" нашри хабарига.

Ушбу ҳодисадан сўнг субмаринада ёнгин келиб чиққан. Кейин унинг бортга сув кира бошлаган. Экипаж аъзоларидан бир қанчаси киргоққа чиқиб, базур омон қолишган. Аммо кема ичида қолиб кетган 18 нафар денгизчи, шу жумладан,

уч нафар офицернинг тақдирини ҳозирча номаълум. Воқеа жойида қидирув-қутқарув гуруҳлари иш олиб бораёпти. Сувости кемаси маҳсус кўрикландиранган ҳудудда турганди. Унда нима сабабдан портлаш рўй бергани аниқ эмас.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**ГУРУР**

Инсон ҳаётининг маъноси нима?

Тинч, осойишта яшаш, фарзандлар бахтини кўриш. Кимдир шу йўлда боғ-роғ яратади, кимдир йўл, кимдир кўприк, кимдир шаҳар-қишлоқ бунёд этади ёки шу эзгу ишга бир гишт қўяди.

Шундан юрт обод бўлади, ҳаёт яшаради. Ўтган йилга икки йил шу матлабга сафарбар бўлди. Бирон-бир кун беиз кетмади. Ва элим-юртим деган ҳар бир инсон қадр топди.

Аслида, ҳамма нарса қиёсда билинади. Гоҳ дунёда рўй бераётган воқеаларни кузата туриб, секинлик кетасан, киши.

2007 йилдан буён Греция, Испания, Италия, умуман Европа мамлакатларида деярли ҳар кун юз минглаб одамлар норозилик билдириб, намойиш қилади. Маълумотлар шуни кўрсатадики, Европа Иттифоқида ҳозир ишсизлар сони 26 миллион 405 мингдан ошди. Шунинг 6 миллиони Испанияга тўғри келади. Унинг тенг ярмини ёшлар ташкил этади. Грецияда эса пенсия икки баробарга, ойлик иш ҳақи 33 фоизга қисқартирилди. Бу эса хунук оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Мана шуларни кўриб, бугунги тинчликнинг, шодумон ҳаётимизнинг қадри нечоғли улуғлигини яна бир бор теран англаймиз. Инсон орзу-ҳавасига инти-

**Обод юрт бунёдкорлари**

либ яшаса, кўзларни қувонтириб эзгу ишлар қилади. Раҳматли Олланӣёз Утениязов ана шундай киши эди. Олланӣёз оға ўз вақтида элик иккита кўркам иморат тиклаб, ноғиронларга ҳаёда этган. 90-йилларда эса сайҳонда 14 гектар ерни ўзлаштириб, боғ-роғ барпо этишириб, қишлоқни қишлоқ қиришган. Ушундан унинг ишига кўпчилик менсимай қараган. У яратган боғ ҳозир одамларнинг ҳавасини келтиради.

Қилинган фидойи меҳнат муносиб тақдирланди. У — "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга муносиб кўрилди.

Яна бир шундай тиниб-тинчимас дўстимиз бор. Ғайрат Хўҷаниёзов. У ҳам "Ўзбекистон Қаҳрамони", археолог. Қачон қараманг, тарихимизнинг сирли саҳифаларини очаман, деб жони халак. Тадқиқотлардан гап чиқса, бу дунёдан узилиб

кетади. Ўз ишига шундай берилган. Берилиб ишлайдиган одамлар эса мўъжиза яратади.

Мана, Ўринбой Тўраниёзов. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор...

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда намунавий

Назаримизда, бундай одамларни саховат бир-бирига боғлаб туради. Улар киндик қони томган заминни, Ватанини яратиб унун тиниб-тинчимайди, меҳрини саховат билан унга нисор этади. Ва шундан куч олиб яшайди.

Биз гапни ҳамма нарса

кимё мажмуаси қурилиши бошланди. Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилаётган бу мислсиз кўшма корхона Устюртдаги уйғоқликка уйғоқлик қўшиб, заминни ларзага солмоқда. Бошқасини айтмай, корхона пропилинга қўшимча тарзда ҳар йили 1 миллион

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**  
**ТАНЛОВИГА**

ҳўжалиқдан иборат эди. Бугун кенг ва шиман учта янги кўча барпо этилган, Оқшалоқ кичик бир шаҳарчага айланган. Қорақалпоқ йигитлари ҳам корейликларга ўхшаб, каска кийиб олган, хорижлик мутахассислардан уларни ажрата олмайсан.

Қурилиш шиддатли тус олган. Унинг кўлами беқиёс. Ва у юракка сурур бағишлайди.

Шуни кўриб, биласизми, кўнғилдан не ўйлар ўтди. Шундай эллар борки, йиллар давомида бир ниҳол экмаган. Неча йиллар давомида урушдан боши чиқмаган эллар оз эмас. Қайдадир кучли зилзила уйлари найрон этмоқда. Қудратли тўфон экинзорларни, иморатларни бузмоқда. Шаҳар-қишлоқлар сув тошқини, ўрмон ёнғини ичида қўймоқда. Телевизорда шуни кўриб, одамни кўрқинч босади...

Мана шу нотинч асрда мустақиллик бизни яратиб ишига сафарбар этди. Қуриш, ҳайқириб, тўлиб яшаш, она-юрта кўнғил боғлаб, берилиб ишлаш, бир-биримизга ҳимматли, саховатли, меҳор-оқибатли бўлиш ҳаёт мезонига айланди. Орзу-ҳавасимиз — юрт ободлиги, фарзандлар бахтини кўриш. Ва бу ният атрофида ақдиг бўлган одамлар катта ишлар қилади. Яратган ҳам уллардан меҳрини аймайди.

Айланин сендан, Истиклол!  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,  
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

**Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари «Хунарманд» уюшмаси жамоаси**

**Ватанимизнинг Мустақиллик куни, Ўстиқлолимизнинг 22 йиллиги**

**байрами билан юртдошларимизни табриклайди!**

**Барчага мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, оилавий бахт-саодат ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!**

**ООО «MASTER STEEL»**

**изготавливает оборудование для**

производства молочных продуктов  
производства пищевых продуктов и концентратов  
сельского хозяйства  
фармацевтических компаний  
химической отрасли

Тел.: (+99898) 127-14-06, (+99891) 134-88-07. Тел./факс (+99871) 262-58-83. E-mail: oomastersteel@mail.ru

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.**

**Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

- Зангиота тумани СИБ томонидан 2012 йил 27 февралдаги 11-1130/25307-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Назруллаев кўчаси, 40-«Б» уйдаги 55-хонадон.  
**Бошланғич баҳоси — 169 450 000 сўм.**
- Зангиота тумани СИБ томонидан 11379/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган, 2-блок, 2-сонли савдо дўкони.  
**Бошланғич баҳоси — 67 847 400 сўм.**
- Бекобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрдаги 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод тумани, Алмиер Навоий ф/у, 1-бўлим, Шова маҳалласида жойлашган уй-жой.  
**Бошланғич баҳоси — 164 927 570 сўм.**
- Зангиота тумани СИБ томонидан 5288/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган 8-хонадон.  
**Бошланғич баҳоси — 241 250 000 сўм.**
- Чилонзор тумани СИБ томонидан 2013 йил 16 апрелдаги 1-493/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Эркинлик кўчасида жойлашган 28-уй.  
**Бошланғич баҳоси — 72 187 500 сўм.**
- Қўнғай тумани СИБ томонидан 4708/8-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўнғай тумани, «Байтўғрон» ҚФЙ, СВТ «Юлдуз» ҳудудидаги 50-уй.  
**Бошланғич баҳоси — 46 897 428 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичида бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидида талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.  
Лицензия: RR-0052.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

мамлакатимиз аҳолисини Мустақиллик байрами билан табриклайди ҳамда миллий валютада муддатли янги омонат тури амалга киритилганлигини маълум қилади.

**«Мустақиллик»**

- Сақлаш муддати — 2 ой.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- Маблағ қабул қилиш нақд ва нақд бўлмаган пул кўринишида амалга оширилади.

Омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йил 20 августдан 20 сентябрга қадар амалга оширилади.

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

WWW.NBU.COM ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН. 13518/022

**ЎАЖ «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚК**  
*лизинг компанияси*

**аввал «Rahmonov To'uchiboy Rahmonovich» ФХга тегишли бўлган куйидаги кўчмас мулклар сотилиши ҳақида эълон қилади:**

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун музлаткич, майдони — 766,00 кв.м.
- Устахона биноси, умумий майдони — 528,78 кв.м., шундан фойдаланиш майдони — 480,87 кв.м.

Манзил:  
Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 132-уй.

Кўчмас мулкларни сотиб олиш бўйича тўлиқ маълумотни юқоридаги манзилдан олиш мумкин.  
Телефон: (+99871) 120-02-02.

**Масъул шахс — Холтураев Сухроб.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР**  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.  
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент педиатрия тиббий институти жамоаси Факультет болалар хирургияси кафедрасининг собиқ доценти  
Ғайрат ИСЛОМБЕКОВнинг  
вафоти муносабати таян марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур тўлиқ изҳор этади.

# «ФАРОВОН»

масъулияти чекланган жамияти  
савдо-саноат компанияси жамоаси

Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини  
мамлакатимиз Мустақиллигининг

## 22 йиллиги

байрами муносабати билан қизини  
табриқлайди!

Барчангизга  
соғлик-омонлик,  
оилавий бахт ҳамда  
байрам кайфияти тилаймиз!

# «Янгийўл ёғ-мой комбинати» ОАЖ

жамоаси

барча  
юртдошларимизни  
Ватанимиз Мустақиллигининг

## 22 йиллиги

байрами билан  
чин дилдан қутлайди!

Хонадонингизга қут-барака,  
ишларингизга ривож тилаймиз.  
Фурсатдан фойдаланиб, юқори  
сифатли маҳсулотларимиз  
ўз харидорларига эғалигидан  
мамнунлигимизни изҳор  
этамиз!

Мустақиллигимиз  
абадий бўлсин!

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ Жамоаси

юртимиз аҳлини  
республикамиз

Мустақиллигининг 22 йиллиги байрами  
муносабати билан самимий муқоракбоқ этади!

Бизга эркин ва ташаббускорлик билан  
меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар  
яратган, кадриятларимизни қайта тиклаган  
ИСТПҚЛОММММЗ абадий бўлсин!

Ватанимиз раванқи йўлидаги фидоқорона  
меҳнатимиз сизлар учун,  
азизлар!

Барчага сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида  
ўлкан зафарлар тилаймиз!

# «MAXLAS» МЧЖ

боғдорчилик ҳамда қишлоқ  
хўжалиги экинларини  
дорилашда фойдаланиладиган

## МОТОРЛИ ПУРКАГИЧНИ

таклиф этади.

Моторли пуркагич бир дақиқада  
4 литр суолтирилган кимёвий  
ҳамда 6 килограмм кукунли  
дори воситаларини  
сепиш қувватига эга.

Тўлов — исталган шаклда.

Мурожаат учун телефонлар:  
(+99895) 170-17-56,  
(+99895) 177-17-56.  
Факс: (8-371) 234-62-33.  
E-mail: maxlas62@mail.ru

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.  
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА.



## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан  
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджет Г — 854. 79 697 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва  
муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ҳамда оператор Ж. Тогаев  
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Навбатчи — Ф. Абилов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ  
Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5